

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**У.Ахмедова**

Умумлашган ҳосила асосида функциялар тригонометрик ёйилмасининг ягоналиги ..... 6

КИМЁ

**Г.Рахматова, М.Курбанов, М.Рузиев**

1-тиаиндан, 1-тиохроман ва уларнинг ҳосилаларини диациллаш реакцияларини ўрганиш ва синтезлаш ..... 11

**Ф.Юсупов, А.Кўчаров, М.Маманазаров, С.Халилов, Р.Тошбобоева**

Қўнғир кўмирни бойитишга турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик-механик параметрларни ва турли шароитларга бардошлилигини аниқлаш ..... 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**З.Жабборов, И.Мамажанов**

Саноат ифлосланиши экологияси ..... 20

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Н.Ҳакимов, Ш.Зулфикаров, А.Абдумаликов**

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари ..... 26

**М.Назаров**

Илмий-техник ижодиётда шубҳа тамойили ва танқидий қараш ..... 33

**Ш.Аббосова**

Янгиланаётган Ўзбекистон, жамиятнинг демократлашуви ва шахс эркинлиги ..... 37

**Б.Ғаниев**

Ўзбекистондаги трансформацион жараёнлар даврида тадбиркорлик масаласини илмий-методологик ва фалсафий тадқиқ этиш зарурати ..... 41

ТАРИХ

**У.Абдуллаев, М.Ғозиев**

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ..... 45

**Э.Ғуломов**

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг шаклланиши (1991-2000 йиллар) ..... 49

**Ў.Хошимов**

Олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида) ..... 55

**Н.Кенжаева**

XX асрнинг 30-йилларида Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ..... 60

**С.Рахматуллаева**

Фарғона водийсида экологик вазиятнинг оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан айрим мулоҳазалар (1950-1994 йиллар мисолида) ..... 66

**О.Кличев**

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда совға алмашинув тартиблари ..... 70

**О.Пуговкина**

Устоз ва унинг шогирди: В.В. Бартольд ва Н.С.Ликошин ..... 74

**Г.Рахимова**

Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг экологик ҳолатга салбий таъсири ..... 79

## Адабиётлар:

1. Шагалов Е.С. Наука в Таджикистане в период социалистического строительства (1917-1959 гг.). Душанбе: Ирфон, 1975.
2. Ферсман А.Е. Экспедиционная деятельность АН СССР и ее задачи. Л.: АН СССР, 1929.
3. Ферсман А.Е. Экспедиция Академии Наук // Наши достижения. 1929. - №3. С.66.
4. Ферсман А.Е. Экспедиционная деятельность АН СССР и ее задачи. Л.: АН СССР, 1929.
5. Таджикская комплексная экспедиция 1932 года. Л.: Госхимтехизмат, 1933.
6. Крыленко Н.В., Щербаков Д.И., Марков К.К. Пять лет по Памиру: Итоги Памирских экспедиций 1928, 1929, 1931, 1932, 1933 гг. М.-Л., 1935.
7. Сырьевая база Кара-Мазара крепнет // Коммунист Таджикистана. – 1933. – 26 окт.
8. Таджикская комплексная экспедиция 1932 года. Л.: Госхимтехизмат, 1933.
9. Ўша жойда.
10. Губкин И.М. Основные задачи и организационные формы Совета по изучению производительных сил // Вестник АН СССР. 1935. № 3.
11. Таджикско-Памирская экспедиция 1933 года. -Л.: Госхимтехизмат, 1934.
12. Таджикско-Памирская экспедиция 1934 года.- М.-Л.: АН СССР, 1935.
13. РСФСР Давлат қурилиши, шаҳарларни лойиҳалаштириш бўйича давлат институти. -Москва ш. (1930-1931 й.й. ).
14. Тоғ-кон корхоналарини лойиҳалаштириш бўйича давлат институти, 1931 йилда асос солинган.
15. Губкин И.М. Основные задачи и организационные формы Совета по изучению производительных сил // Вестник АН СССР. 1935. № 3. С.11.
16. АРАН. 174-фонд. 18-рўйхат. 1-йиғма жилд. 5-6 варақлар.
17. АРАН. 174-фонд. 18-рўйхат. 1-йиғма жилд. 5-6 варақлар.
18. АРАН. 174-фонд. 18-рўйхат. 1-йиғма жилд. 11-варақ.
19. Губкин И.М. Основные задачи и организационные формы Совета по изучению производительных сил // Вестник АН СССР. -1935. -№ 3.
20. Таджикско-Памирская экспедиция АН СССР // Коммунист Таджикистана. -1937 г. 1 марта.

*(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).*

УДК: 614.7(524)

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР  
САЛОМАТЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР  
(1950-1994 йиллар мисолида)**

**НЕГАТИВНОЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ НА ЗДОРОВЬЕ  
МАТЕРЕЙ И ДЕТЕЙ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О  
МЕРАХ, НАПРАВЛЕННЫМ НА ИХ РЕШЕНИЕ  
(на примере 1950-1994)**

**NEGATIVE IMPACT OF ECOLOGICAL PROBLEMS ON MOTHERS AND CHILDRENS'  
HEALTH IN FERGHANA VALLEY AND SOME ASSUMPTIONS ON THEIR SOLUTIONS  
(for example 1950-1994)**

С.Рахматуллаева<sup>1</sup><sup>1</sup> С.Рахматуллаева— ҚДПИ, тарих ўқитиш методикаси кафедраси  
ўқитувчиси.**Аннотация**

Мақолада Фарғона вилоятида мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигидаги муаммолар, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье анализируются проблемы здоровья населения Ферганской области в годы независимости, профилактики материнской и детской смертности, медицинского осмотра, а также охраны материнства и детства.

**Annotation**

The article analyzes the problems of public health in Fergana region, the prevention of maternal and child mortality, their medical examination and protection of motherhood and childhood.

**Таянч сўз ва иборалар:** оналар ва болалар, ҳомиладор аёллар, тиббий кўриқ, муҳофаза, фармон, дори-дармон, соғломлаштириш.

**Ключевые слова и выражения:** матери и дети, беременные женщины, медицинский осмотр, охрана, защита, лекарственные средства, оздоровление.

**Keywords and expressions:** mothers and children, pregnant women, protection, medical examination, medication, health.

Инсон ҳаётини тубдан яхшилаш, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш ҳар бир давлат сиёсатида муҳим ўрин тутди. Ҳозирда глобаллашиб бораётган ижтимоий масалалардан бири – бу, экологик муаммолар ҳисобланади. Чунки экологик муаммолар кишилиқ жамиятида меҳнат унумдорлигини ошириш ва соғлом ҳаёт тарзини кучайтиришга салбий таъсир этиб келган.

Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонга нисбатан Марказ томонидан олиб борилган пахта яккахокимлиги ва саноатлаштириш сиёсатидаги бир қанча хатоликлар йиллар ўтиб, ўлкада ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва экологик муаммоларни юзага келтирди. Бу даврда аҳолидан беркитиб келинган айрим

сиёсий хатолар, камчилик ва Марказ манфаати деб, халқ манфаатидан устун қўйилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, мустақиллик йилларидан бошлаб ўрганилди, уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар эркин эътироф этила бошланди. Совет ҳукумронлиги йиллари давомида тўпланиб қолган иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммолар демографик жараённинг зиддиятларга айланишига сабаб бўлди.

Совет ҳукуматининг ўзбошимчалиқ билан олиб борган сиёсати табиий ресурсларнинг таланиши, саноат корхоналаридаги камчиликлар, пахта яккахокимлигининг тобора авжланиши туфайли экология соҳасида салбий ҳолатлар намоён бўла бошлади. Аҳолининг ижтимоий ҳаётида турли касалликларнинг

келиб чиқиши, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилмагани, ўз манфаати йўлида халқ саломатлиги, ҳаётининг иккинчи даражали бўлиб қолиши, айниқса оналар ва болалар орасида ўлим миқдорининг кўпайишига олиб келди. 1950-80 йилларда совет давлатининг асосий пахта базаси сифатида Ўзбекистоннинг sanoатлаштирилиши, sanoат корхоналарининг қурилиши объектив жиҳатдан кўпгина жиддий нуқсонлар билан амалга оширилди. 1980-85 йилларга бориб Ўзбекистонда ижтимоий муаммолар аралашиб кетди ва иқтисодий аҳвол ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолди. Сабаби, sanoат корхоналаридаги станок ва асбоб-ускуна эскириб борди, уларни алмаштириш ва янгилашга маблағ ажратилмади. Афсуски, совет ҳукумати, Марказ ушбу вазиятни яхшилашга умуман эътибор бермади, уринмади. Иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг олди олинмади ҳам. Экологик вазиятнинг ўзгаришини билиб турса-да, уларга қарши чора-тадбирлар қоғозларда қолиб кетди. Оқибатда, Ўзбекистонда оналар ва болалар орасида турли касалликларнинг, болалар ўлимининг кескин кўпайиб кетишига олиб келди.

Жумладан, Фарғона шаҳридаги кимё sanoати корхоналаридан бири – Фарғона ацетат ип ишлаб чиқарувчи корхона. Кимё sanoатининг пахта шелухаси (қилиғи)дан турли маҳсулотлар (фурфурол, этил спирти, ксилит, сорбит, фуран ва фурил спирти) ишлаб чиқариладиган Фарғона гидролиз заводи қурилган. Асосан фурфурол ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган [1,85] бўлиб, кўпроқ кимёвий моддалар билан ишлашга мослаштирилган. 1960 йилда чиқинди сувига кўп эга бўлган, энг катта sanoат корхоналарига Фарғона нефтни қайта ишлаш, ипак матолар ишлаб чиқариш, пиллакашлик комбинатлари кирган. Корхоналардан чиқарилган заҳарли чиқинди сувлар, Фарғона водийси ҳудудидаги Катта Фарғона каналига ташлаб келинган. 1960-йиллар давомида Фарғона водийсининг Фарғона шаҳрига табиий газ асосида ишлайдиган Фарғона азот ўғитлар заводи ишга туширилди. Пахтачилик билан боғлиқ маҳсулотлардан ғўза зараркунандаларига ва бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар — ғўза баргини тўқишда ишлатиладиган дефолиантлар каби моддалар ишлаб чиқарилган. Корхонадан чиқадиган заҳарли, кимёвий чиқинди ва

газлар унинг атрофини ифлослаб келди. Пахта етиштиришда зараркунандаларга қарши Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1962-йилда №441 сонли қарор ижроси бўйича Фарғона водийсидаги “Москва”, “Ёш ленинчи”, “Коммунизм” колхозларида, Ўзбекистон, Намуна, Марғилон шаҳри, Ленинград, Олтиариқ районларида кенг кўламда пахта зараркунандаларига қарши чора-тадбирлар олиб борилиши йўлга қўйилганди [2]. Пахта далаларида кимёвий ўғитлар сув ва тупроққа трактор механизмлари ёрдамида амалга оширилиши билан бирга, авиация техникаси ҳам ишга солиб юборилган. Пахта сифатини ошириш, уни нобуд қилмасдан териб олиш фақат кимёвий жараёнларга боғланиб қолганди. Авиация ёрдамида сепилган заҳарли, хавфли бутифос деган кимёвий дефолиант ҳатто аҳоли меҳнат қилаётган пахта майдонлари устидан ҳам сепиб ўтилди. Аҳолини пахта теримига жалб қилиш қўл меҳнати машинага қараганда анчагина сифатли бўлганлиги учун турли қарор ва мажбуриятлар ошириб борилди, минг афсуски, халқ манфаати, аҳоли саломатлиги каби масалалар эътиборга олинмади. Натижада, яқин атроф аҳолиси суви ва озик-овқатларида кимёвий заҳарли моддаларнинг мавжуд бўлганлиги туфайли улар билан заҳарланиш, аҳоли орасида турли касалликларнинг вужудга келиши каби омиллар кўринди. Хусусан, 1965 йили Фарғона вилоятида 17 та бола эндокринология руйхатида бўлган, 1968 йилда 346 нафар бола анемия, асаб касалликлари билан, 115 нафари Фарғона водийси Ленинград районининг ўзида оналар орасида 1967 йили 165 та туғилиш рўйхатга олинган [3]. Ичак инфекцияси касалликлари бўйича Фарғона водийси Ўзбекистон бўйича энг юқори ўринда турди. Фарғона шаҳрида 1000 болага нисбатан 30,5 нафар, Қўқонда 22,3 нафар, Қувасойда 38,2 нафар, Ўзбекистон туманида 6,3 нафар, Киров туманида 6,4 нафар, Олтиариқ туманида 5,5 нафар бола [4] касаллик билан оғриганлиги аниқланган. Касалланиш сабаблари санитария — эпидемиология станциясининг лаборатория натижалари шуни кўрсатганки, хавфли инфекция касалликлари, сув, тупроқ, ҳавода заҳарли кимёвий моддаларнинг кучли миқдорда [5] борлиги сабаб бўлган. Қўқон шаҳрида 1986-йилларда катта кимёвий корхона ишга туширилган бўлиб, ишлаб

чиқаришда кимёвий чиқиндилар аҳоли ичимлик сувига Қипчоқариққа ташланган. Қўқон СФЗ заводи чиқинди сувлари эса собиқ Ленинадская кўчаси, 22-сонли мактаб, Конарев, Энгелс ва Медицинская кўчалари канализация сувларига уланганди [6].

Фарғона ва Қўқон шаҳарларида қурилган кимёвий саноат корхоналарининг зарари, аҳоли пунктлари санитария меъёрларидан анча юқори эканлиги аниқланган. Оқибатда Фарғонанинг Тошлоқ туманидаги ерости сув ҳавзалари юзаси 3 мм қалинликда нефт пардаси билан қопланган, Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи зоналаридаги ерости сувларининг фуран бирикмалари билан ифлосланаётгани кишиларни ташвишга солиб [7,211] келган. Заҳарланган сувлар аҳолининг ичимлик сувларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Хусусан, 1965 йилда Фарғона вилояти бўйича эндокрин патологиясига йўлиққан 17 нафар бола, 1968 йилда 346 нафар бола, неврология хасталигига йўлиққан 1190 нафар бола руйхатга олинган [8] Статистик маълумотларда, Фарғона фуран бирикмалари заводи таркибида фурфурол, фенол, нефть маҳсулотлари, мис, хром, аммоний нитрат азотлари, органик моддалари бўлган оқова сувлар “Марғилонсой дарёсига ташланмоқда” [9,168], деб хабар берилган. Айниқса кўп сув талаб этадиган корхоналар мажмуига, пахта толасидан ип-газлама ишлаб чиқариладиган комбинатлар, асосан Фарғона водийсининг катта шаҳарларида жойлаштирилган эди. Корхоналардан чиқаётган зарарли чиқинди сувлар яқин атрофдаги ариқ ва каналларга ташланган. Оқибатда сувнинг заҳарланиши, ичимлик сувининг ичишга яроқсиз ҳоллари кўрина бошлади. Маҳаллий аҳолининг аксарият қисми истиқомат қиладиган қишлоқ жойларида эса водопровод деярли йўқ эди [10]. Қишлоқ аҳолиси соғлиғини сақлаш соҳаси ниҳоятда танг ҳолатда эди. Хусусан, 80-йилларнинг охирида касалхона муассасалари фақат қишлоқларнинг 20% ида мавжуд эди, холос. Лекин улар ҳам асосан мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимлари ва зарур асбоб-ускуна билан етарли таъмин этилмаганди [11,112]. Энг ачинарлиси, 1980-йилларнинг охирида инсон генотибида хатарли ўзгаришлар, оналар ўлими, бир

ёшга етмай вафот этган гўдаклар сонининг, ҳар минг болага нисбатан Фарғона вилоятида 56,6 нафарни ташкил этишига олиб келди [12]. Кимё корхоналарида 1980-йилларга келиб, кимёвий чиқиндиларнинг атроф муҳитга салбий таъсири ортиб борди. Аҳоли орасида турли хил касалликларнинг кўпайиши, болаларнинг ногирон туғилиши йиллар ўтган сайин авж ола бошлади. 1989-йилларда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри ва атроф туманларида ижтимоий-иқтисодий инқирознинг кучли аломатларини кўриш мумкин эди. Ерусти сув ҳавзаларининг истеъмол қиладиган жойлардаги лаборатория назорати натижалари Фарғона вилоятида қуйидагича бўлган: кимёвий кўрсаткичлари 1988 йилда жами 614 та сув ҳавзасидан 147 таси талабга жавоб бермаган, 1989 йилда жами 659 та сув ҳавзасидан 159 таси талабга жавоб бермасди [13,478-488]. Тоғ водийларида жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари катта масофаларга тарқалганди. Маълумки, ривожланган мамлакатларда кимё корхоналари одатда шаҳар чегарасидан ташқарида бунёд этилган. Бироқ, совет тузуми даврида Ўрта Осиё ҳудудларининг экологик хавфсизлиги ҳақида бош қотириб ўтирилмади. Аксинча, айнан гавжум шаҳарларда корхоналарни қуриш, тезроқ ишлаб чиқариш зарурияти, саноат корхоналарининг қурилиши баҳона қилиниб, кимё корхоналарини тозалаш иншоотларисиз, чала битган ҳолда ишга туширишга мажбур этилди.

Совет ҳукуматининг пахта яккахокимлиги ва саноат корхоналарини қуриш орқали иқтисодий фойда кўриш истагида олиб борган бу каби сиёсати ўлка аҳолисининг саломатлигига йиллар давомида ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келди. Советларнинг бу сиёсати оқибатларини бартараф этиш бўйича республикада 1989 йилларга келибгина зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, экологик ҳаракат аъзоларининг ташаббуси билан 1989 йилда Қўқон янги кимё комбинати ёпилди, 1991 йилларда Қўқон суперфосфат заводи ўз ишини бирмунча вақтга тўхтатди, Қўқонда шаҳар марказидаги нефть маҳсулотларини сақловчи катта омборхона шаҳар ташқарисига кўчирилиб, Фарғона фуран бирикмалари Кимё заводи, Қўқон пахта тозалаш заводи фаолияти тўхтатилди [14,43].